

чора ва тадбирларни амалга ошириш;
- Ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликни меъёрлаштириш учун ишчи кучи таклифи ҳамда реал иш ҳақи ўртасидаги айрим номутаносибликларни бар- тараф этиш;

- Худудлардаги ишчи кучининг иқ- тисодий фаоллиги бўйича тафовутларни бар тараф этиш учун худудлардаги ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилмани янада яхшилаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. James O'Connor, "Smith and Marshall on the Individual's Supply of Labor: A Note", *Industrial and Labor Relations Review*, Vol. 14, No. 2 (Jan., 1961), pp. 273-276, <http://www.jstor.org/stable/2520273> Accessed: 28/06/2014
2. A.Marshall "Principles of economics", reprinted by Palgrave Classics in Economics, 2013
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик – Т.: IQTISODIYOT, 628– .2018 б.
4. Экономическая теория: Учебник. – Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добринина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, -503-502 ,2005бетлар.
5. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Гофуров "Иқтисодиёт назарияси" дарслик, – Т.: IQTISOD-MOL1YA, .2010 728 – бет
6. Hillary Hoynes, "Taxes and labor supply", hwhoynes@ucdavis.edu
Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб сайти. stat.uz
7. "Resolution concerning statistics of the economically active population, employment, unemployment and underemployment", Thirteenth International Conference of Labour Statisticians, Geneva, 18-29 October 1982.
8. Пигина Т.Н. «Факторы предложения рабочей силы и их влияние на рынок труда республики Хакасия» Вестник Красноярского государственного аграрного университета, no. ,3 2015, pp. 160-153.
9. Джумамбаев С. «Прогноз предложения рабочей силы в условиях модернизации рынка труда в казахстане» Вестник КазНУ. Серия Экономическая [Онлайн], Том 126 Номер 25) 4 December 2018)
www.stat.uz

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

ВОЗМОЖНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ЖЕНСКОГО ТРУДА В ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

OPPORTUNITIES FOR ORGANIZING WOMEN'S LABOR IN INNOVATIVE ECONOMY

Ирматова Азиза Бахрамовна –

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси
доценти, иқтисодиёт фанлари доктори,*

Аннотация: Мақолада инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг имкониятлари айнан интеллектуал меҳнатдан, тадбиркорликдан, ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали ташкил этиш масалалари кўрилган. Бу борада ҳозирги иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий тадқиқотлари чуқур тадқиқ этилиб, SEM модели ёрдамида гипотеза таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар олинди.

Калит сўзлари: аёллар меҳнати, интеллектуал меҳнат, тадбиркорлик фаолияти, аёллар бандлиги, ахборот-коммуникация технологиялари

Аннотация: В статье рассмотрены возможности организации женского труда в инновационной экономике, а именно интеллектуального труда, предпринимательства, а также вопросы организации за счет широкого использования информационно-коммуникационных технологий. В связи с этим глубоко изучены теоретические исследования современных экономистов, проанализирована гипотеза с использованием модели SEM и сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: женский труд, интеллектуальный труд, предпринимательская деятельность, женская занятость, информационно-коммуникационные технологии

Abstract: The article considers the possibilities of organizing women's labor in an innovative economy, namely intellectual labor, entrepreneurship, as well as organization issues through the widespread use of information and communication technologies. In this regard, the theoretical studies of modern economists are deeply studied, the hypothesis is analyzed using the SEM model and the corresponding conclusions are drawn.

Key words: women's work, intellectual work, entrepreneurial activity, women's employment, information and communication technologies

Кириш. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияси ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ўзгариши, меҳнат жараёнига сунъий интеллект ва компьютер технологияларининг кириб келиши ишлаб чиқаришнинг анъанавий усулларининг янгиликларига алмаштирилиши, аёллар меҳнатини ташкил этишда янги ёндашувларни тақозо қилмоқда.

Инновацион иқтисодиётда меҳнатнинг функционал аҳамияти илм-фан ва техник инқилоб янги тўлқинининг ривожланиши таъсирида ўзгарганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида, иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, илм-фан, таълим, интеллектуал мулк, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни интеллектуаллаштириш ўта долзарб масалаларга айланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек, хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ҳурмат-эҳтиромда яшаган мамлакатда албатта тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади. Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-хунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арзон уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир [1].

Инновацион иқтисодиётда янги тармоқлар, корхоналар вужудга келиб, уларда меҳнат маданиятига, малакасига, касб маҳоратига,

ижодкорликка аҳамият берилмоқда. Ушбу ортиб бораётган талаблар аёллар томонидан ижобий қабул қилинмоқда. Статистикага кўра, аёллар маълумот даражасига кўра, нафақат эркакларга етиб олган, балки %12,7 га ошиб кетган. Тадқиқотларга кўра, аёлларнинг бизнеси барқарор ҳисобланади, чунки аёллар бошқараётган фирмаларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли кам. Аёллар учун инновацияларни инвестициялаш, ходимларнинг маълумоти, уларнинг малакасини ўз вақтида ошириб бориш масалалари биринчи даражадаги масалалардир. Уларнинг фаолияти кўпроқ ишлайдиган ходимларнинг фаровонлиги ва қулайлигига қаратилгандир. Аёлларнинг иш билан бандлигининг экстенсив туридан инновационга ўтиши иқтисодиётдаги ўзига хос бир инқилобдир. Унга ўтиш йўли аёллар иш билан бандлигининг нопрогрессив, эски, камситувчи шакллардан янги прогрессив, тенг ҳуқуқли шаклларга эволюцион ўтишни назарда тутмоқда.

Ҳозирги шароитда аёллар иш билан бандлигининг интенсив, инновацион турига ўтиш учун аёлларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаган тарзда давлат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиши зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аксарият аёллар бажарадиган ишлар жисмоний меҳнат туркумига кирмоқда. Булар, асосан, ўрта мураккаб ва паст малакали, меҳнат сарфи юқори меҳнат ҳисобланмоқда. Аёлларнинг меҳнат мазмунига касблар ва аёлларнинг ишлаши борасида қарашлар, маълумот даражасининг

пастлиги ва касбий тайёрлаш тизими талаб даражасида эмаслиги, болаларни парваришлаш, маиший хизмат соҳаларига етарли даражада инвестициялар ажратилмаётгани таъсир кўрсатмоқда. Мазкур омиллар аёллар ишлаб чиқариш ресурслари, даромад ва иш билан бандликка тўсиқлар қўймоқда. Шунингдек, уйдан ташқари иш билан бандлик ва бола парваришлаш, оилавий юмушларни баробар олиб бориш мажбуриятлари аёллар учун жиддий муаммоларга олиб келмоқда.

Ишчи кучи, шу жумладан, аёл ишчи кучидан самарали фойдаланиш замонавий ривожланишнинг муҳим шартини ҳисобланмоқда. Аёллар меҳнат фаоллигининг асосий кўрсаткичи, нафақат уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида миқдор жиҳатдан ўсиши, балки улар меҳнатининг мазмуни ва характери ўзгариши, меҳнати интеллектуаллашиши, фаолиятида ижодий, ташкилотчи ва бошқарувчи функцияларнинг кўпайиши уларнинг шахс сифатида шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёлларни ҳар даражада фаоллаштириш ва меҳнат фаолиятига жалб қилиш юқори иқтисодий ва ижтимоий натижаларга олиб келади [2]. Жумладан, бир қатор иқтисодчи олимлар [3] аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларининг кенгайтириш, яъни уларни иқтисодий фаол аҳоли таркибига жалб қилиш ва маълумотини ошириш натижасида иқтисодий ўсишга эришиш мумкин, деб таъкидлаган. Шунингдек, инновацион иқтисодиётда янги бизнес ва инновациялар иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминловчи асосий манба эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон иқтисодий форум маълумотларига кўра инновациялар гендер тенгсизлигини ва камбағалликни қисқартиришда асосий катализатор ролини амалга ошириши мумкин [4]. Улар муносиб меҳнат, самарали бандлик ва аёлларни иш билан таъминлашда кўшимча барқарор восита сифатида тан олинди [5], глобал, миллий ва ҳудудий миқёсда ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи куч [6] сифатида қайд этилмоқда.

Бизнингча, инновацион иқтисодиётда аёлларнинг меҳнатини самарали ташкил этишда кўйидаги асосий элементларга алоҳида эъти-

бор қаратиш лозим: аёллар орасида интеллектуал меҳнат улушини кўпайтириш, тадбиркор аёллар салмоғини ошириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иш билан бандлигини кенгайтириш.

Инновацион иқтисодиёт билимлар ва инновацияларга асосланганлиги сабабли унда ахборот технологиялар, тадбиркорлик фаолияти ва интеллектуал меҳнат муҳим аҳамиятга эга [7]. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда гендер тенглиги бузилиши олий маълумотли ва юқори малакали кўникмаларга эга бўлган аёллар иш билан банд бўлмаглиги, истеъдод ва ресурслардан унумли фойдаланилмаётганлигини билдирмоқда. Бу борада охириги йилларда бир қатор олимларнинг тадқиқотлари эътиборга лойиқ.

Батаганнинг фикрича, янги ғоялар ва технологиялар, мобил алоқа, интернет инновацион иқтисодиётда иқтисодий ўсишни жаддаллаштириб, рақобатбардошлигини оширади [8]. Шунингдек, Беллингернинг таъкидлашича, инновацион иқтисодиётда билимлар, ахборот-коммуникация технологиялари, интеллектуал меҳнат одамлар орасида жисмоний мулоқот ва масофани камайтиради [9]. Бу эса бизнинг миллий анъана ва қадриятларимизда муҳим аҳамиятга эга. Аёлларни интеллектуал меҳнатга жалб қилиш, тадбиркор аёллар салмоғини ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иш билан бандлигини ошириш меҳнат бозорида аёлларнинг иштирокини кенгайтириб, иш билан банд бўлиш имкониятларини кўпроқ билим талаб этиладиган фаолиятга йўналтиради [10].

Эфоби АКТнинг ривожланиши аёлларнинг расмий иқтисодиётда иш билан бандлигини тадқиқ этган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларининг кенгайтириши аёлларнинг иқтисодий фаоллигинининг ошишига бевосита таъсир этишини таъкидлаган [11].

Инновацион иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти корхоналарга рақобатбардош устунликни таъминлаши, янги маҳсулот ва хизматларнинг яратилиши ва технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Наир ўз тадқиқотларида аёл тадбиркорларнинг маваффақиятининг асоси айнан инновацияларнинг ижобий таъсирини кўрсатган [12]. Чунки аёллар эркакларга қараганда янгиликни

осон қабул қилувчи ва тез мослашувчи тадбиркорлардир. Гандрининг фикрича, аёл тадбиркорларнинг инновацион ёндашуви корхонанинг бозор қийматини ошириб, унинг барқарорлигига бевосита таъсир қилади [13].

Адабиётлар таҳлилидан инновацион иқтисодиётда аёлларнинг меҳнатини ташкил этишда асосий 3 та компонентга, яъни интеллектуалмеҳнат,тадбиркорликваахборот-коммуникация технологияларига эътибор қаратиш керак деган, хулоса чиқариш мумкин. Айнан шу гипотезани эконометрик таҳлиллар асосида тасдиқлашга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот методологияси


Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш уларнинг бандлигини таъминлашдир, инновацион иқтисодиёт шароитида буни интеллектуал меҳнатини ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари орқали бандлигини ошириш ҳамда раҳбар аёлларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш билан белгиланади. Таҳлилни SEM (Structural equation model), яъни Структуравий тенглама модели усулида олиб боришни афзал билдик. Сабаби, биринчидан, бу модель регрессия таҳлиliga асосланган бўлиб, илмий-тадқиқот соҳасида банд бўлган аёллар сони таъсир этувчи омилларни баҳолаш имконини беради; иккинчидан, бу модель “максимал эҳтимоллик” (“maximum likelihood”) услубида амалга оширилади, бу эса йиллар кесимида баъзи бир маълумотларнинг йўқлигини ино-

батга олган ҳолда оптимал модель яратишга ёрдам беради; учинчидан, моделни графий изоҳлаш имконини беради ва, ниҳоят, SEM модели t-test орқали эмас, балки Z-test орқали амалга оширилади ва бу моделнинг адекватлигини баҳолашда юқорироқ хулосаларни чиқаришга имкон беради.

SEM (Structural equation model) кўпқиррали, ҳар томонлама эконометриканинг қудратли услубларидан бири ҳисобланиб, кўпқиррали регрессия ва факторлик таҳлилларни ўз ичига олган. Структуравий тенглама модели орқали математикмоделлар,компьютералгоритмлари ва статистик усуллардан фойдаланган ҳолда маълумотлар банкидан таркибий конструкциялар тузиш имконини беради. Шунингдек, бу модель ўзгарувчилар ўртасида сабабли боғлиқликлар мавжудлигини тахмин қилиб, чизиқли регрессия билан ифодаланган гипотезаларни текширишга ёрдам беради. Модель натижасида кўринган регрессия коэффицентларини тенглама кўринишида ифодалаб, боғлиқлик даражасини ва яқин келажакка прогнозни амалга ошириш имконини беради. Энг асосийси, SEM модел чизма орқали ифодаланиши визуал қабул қилишни ва уни тузиш тартиби энглилиги билан ажралиб туради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Барча ўзгарувчиларни бир-бирига таъсирини билдирувчи SEM моделини олишга муваффақ бўлдик (1-расм).



Изоҳ: *** p<0.01 (1%), ** p<0.05 (5%), * p<0.1 (10%) **1-расм.** Аёлларнинг интеллектуал меҳнат билан бандлигининг SEM модели

Манба: муаллиф томонидан STATA15- дастури асосида ишлаб чиқилди.

Таҳлил натижасидан маълум бўлдики, иш билан банд ҳар 1000 аёлга 13 та интеллектуал меҳнат билан банд бўлган аёллар ($p < 0.01$)

та раҳбар аёллар етишмаяпти. АКТ да банд бўлган ҳар 100 аёлдан 6 таси доимий расмий иш билан таъминланиб бориляпти ($p < 0.001$).

1-жадвал

Ўзгарувчиларнинг коэффицентлари ва адекватлик даражаси

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	Z	P>Z	Интервал ўзгариши (95% аниқликда)	
Тадбиркор аёллар	-0.035	0.046	-0.75	0.455	-0.126	0.056
Инт.меҳнат	-0.013	0.002	-5.19	0.000	-0.018	-0.008
АКТ да бандлар	0.006	0.021	2.83	0.005	0.018	0.101
constant	18762.6	4448.4	4.22	0.000	10044	27481.3

Аёллар меҳнатини ташкил этишда раҳбар аёлларнинг меҳнатини, интеллектуал меҳнати ва АКТда аёллар иш билан бандлигининг таъсири аниқланиб, қуйидаги моделга эришилди:

$$\text{Банд_аёллар} = 0,035 - 18762,6 * \text{раҳбар_аёллар} - 0,013 * \text{инт_меҳнат} + 0,006 * \text{АКТ_бандлар}$$

Моделнинг адекватлигини текшириш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- R-квадрат қийматларига асосан танланган барча ўзгарувчилар учун модель 88 фоизга аҳамиятли деб топилди. Хусусан, интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг сонига 95% да танлаб олинган ўзгарувчилар билан изоҳланади;

- қиёсий таққослаш индекси (CFI) 1 га тенг ва бу жуда яхши кўрсаткичдир, яъни олинган барча кўрсаткичлар мустақил ва бири-бирини такрорламаслиги билан изоҳланади;

илдизга квадратик хатоликка яқинлашиш (RMSEA) – 0 (хатолик 0,05 гача деб қабул қилинган), яъни ҳисоб-китобларда ҳар бир ўзгарувчида хатоликлар нолга тенглигини билдиради;

- estat mindices (extended statistics reporting modification indices) буйруғи орқали танланган модель яхшироқ натижага эга бўлиши учун ўзгарувчиларнинг ўзаро мослигини таъминлашнинг энг самарали йўллари кўрсатиб беради. Бунга кўра, моделimiz энг тўғри ва оптимал эканлиги маълум бўлди (no modification indices to report);

- корреляцион таҳлил натижасига кўра, дастлабки омиллар йиғиндисиди мультиколлинеарлик, яъни мустақил ўзгарувчилар орасида юқори корреляция, аргументлар орасида эса, чизиқли боғлиқлик мавжуд. Олинган кўрсаткичлар орасидаги Бэнгли-Райков мультикорреляция коэффицентини 0,96 миқдориди аниқланган, бу барча ўзгарувчилар орасида боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади.

Корреляция коэффицентлари матрицаси таҳлили шуни кўрсатдики, дастлабки омиллар йиғиндисиди мультиколлинеарлик, яъни мустақил ўзгарувчилар орасида юқори корреляция, мультиколлинеарликда аргументлар орасида эса, шунингдек, чизиқли боғлиқлик мавжуд.

Иш билан банд аёллар, раҳбар аёллар, интеллектуал меҳнат ва АКТ да бандлар сонининг ўзаро корреляцияси

	Иш билан банд аёллар	Раҳбар аёллар	Инт. меҳнат	АКТ да бандлар
Иш билан банд аёллар	1.000			
Тадбиркор аёллар	-0,799	1,000		
Инт.меҳнат	-0,473	-0,037	1,000	
АКТ да бандлар	0,829	-0,391	-0,748	1,000

Корреляцион таҳлил натижасига кўра, барча ўзгарувчилар орасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Энг юқори ижобий боғлиқлик АТК да банд бўлган аёллар ($r = 0,829$), тескари боғлиқлик раҳбар аёллар сони ($r = 0,799$ -), каби ўзгарувчиларда мавжуд. Шунингдек, АКТ да бандлар ва интеллектуал аёллар ходимлари ўртасида ҳам тескари боғлиқлик ($r = 0,748$ -) мавжудлиги аниқланди.

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, тараққиётнинг замонавий босқичида хотин-қизларнинг инсон капиталини ривожлантириш ҳамда уларни интеллектуал меҳнатга кенг жалб қилиш учун:

- келажакда иқтисодий модернизациялашнинг энг муҳим шартини ва гендер тенглигини таъминлаш асосида амалга ошириладиган узоқ муддатли стратегик режалаштиришнинг зарур шартини бўлган хотин-қизлар «инсон капитали» га инвестицияларни мақсадли оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

- аёлларнинг интеллектуал меҳнатини, аёл-инноваторларни рағбатлантириш, аёллар учун мактабдан интеллектуал меҳнатга жалб қилиш тизимини ишлаб чиқиш;

- хотин-қизлар инсон капиталини микро-молиялаштиришнинг ҳар хил турларини белгилаш, шу жумладан, аёллар инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш, касбий билим ва малакасини ошириш, бугунги кунда долзарб бўлган рақамли ва бошқа шу каби малакаларни ошириш учун краудфандинг платформалари, мақсадли очиқ кредит линиялари, ссудалар ажратиш;

- аёлларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг

малакасини ошириш, меҳнат фаолиятида танаффусга чиққан, шу жумладан туғруқ таътили ва бола тарбиясидан қайтаётган аёлларнинг малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш;

- аёлларнинг инсон капиталини ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, унда ўқитиш жараёни маълумот даражаси, касбий билим ва малака даражасини ҳисобга олиш, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёллар учун маслаҳат ва касбий йўналтириш тизимини кенгайтириш, ҳамда ижобий хулоса олган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш масалаларини акс эттириш;

- ташкилотнинг инсон капиталини ўстириш ва аёл ходимларни доимий ўқитиш, ташкилотлар доирасида қуйидаги таълим жараёнларини амалга ошириш: фаолият орқали ўқитиш (learning-by-doing), ўқитиш орқали ўқитиш (learning-by-learning), илмий тадқиқотлар орқали ўқитиш (learning-by-researching), ижтимоий таъсир ўтказиш орқали ўқитиш (learning-by-interactions);

- аёлларда янги «қаттиқ» ва «юмшоқ» кўникмаларни шакллантириш (hard and soft skills), чет эллик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, барча ходимлар орасида «умумий иш»га дахлдорлик ҳисси яратадиган, ишонч, ижод эркинлиги, мустақиллик ва тадбиркорлик муҳитини қўллаб-қувватлайдиган компаниялар катта муваффақиятларга эришди, бироқ маҳаллий бошқарувнинг замонавий амалиёти ҳали ҳам «маъмурият, бошқарув»га қаратилган;

- хотин-қизларни маълумоти, касбий билими ва тегишли малакаларига мос иш билан

таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизими-ни ишлаб чиқиш, бу йўналишда хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишни рағбатлантириш;

– кам таъминланган ва қишлоқ жойлардаги аёллар учун эгилувчан, қабул қилиш осон касбий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш (жумладан, тадбиркорлик соҳасида тренинглари, техник ва рақамли билим ҳамда малакаларни ошириш учун дастурлар ва ҳ.қ.);

– олий маълумотга эга аёллар уюшмамсини ташкил этиш, касбий ривожланиш, шах-

сий ва мартаба ўсишига кўмаклашиш, қизларнинг олий маълумотини кенгайтириш, уюшма аъзоларининг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги салоҳияти ва таъсирини кенгайтириш.

– давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда ижтимоий хизматлар ва давлат хизматлари соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш, хотин-қизлар ижтимоий тадбиркорлигини рағбатлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиеёв Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда \ \ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси 17.08.2021 \ \ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>;

2. Sirianne Dahlum, Carl Henrik Knutsen, Valeriya Mechkova, Women’s political empowerment and economic growth, World Development, Volume 156, 2022, ISSN 0305-750X, <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2022.105822>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0305750X22000122>);

3. E. Duflo Women empowerment and economic development. – Journal of Economic Literature, 50 (4) (2012), pp. 1051-1079; B. Esteve-Volart Gender discrimination and growth: Theory and evidence from India. – SICERD Development Economics Discussion Paper 42, London (2004); S. Klasen, F. Lamanna The impact of gender inequality in education and employment on economic growth: New evidence for a panel of countries Feminist Economics, 15 (3) (2009), pp. 91-132;

4. World Economic Forum Digital Transformation Initiative in Collaboration with Accenture: Unlocking \$100 Trillion for Business and Society from Digital Transformation. Executive Summary (2018) Retrieved from <http://reports.weforum.org/digital-transformation%0Ahttp://reports.weforum.org/digital-transformation/wp-content/blogs.dir/94/mp/files/pages/files/dti-executive-summary-20180510.pdf>, Accessed 21st Nov 2021;

5. ILO – International Labor Organization ILO Centenary Declaration for the Future of Work (2019);

Retrieved from <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/mission-and-objectives/centenary-declaration/lang-en/index.htm>, Accessed 21st Nov 2021;

6. J. Howaldt, C. Kaletka, A. Schröder Mapping the World of Social Innovation, 2016. A Deliverable of the Project: ‘Social Innovation: Driving Force of Social Change’ (SI-DRIVE) (2016) Retrieved from <https://www.si-drive.eu/wp-content/uploads/2016/12/SI-DRIVE-CA-short-2016-11-30-Druckversion.pdf>, Accessed 21st Nov 2021;

7. Sabria Salama Jawhar, Sajjadallah Alhawsawi, Asaad Salama Jawhar, Mohmmad E. Ahmed, Khouloud Almehdar, Conceptualizing Saudi women’s participation in the knowledge economy: the role of education, Heliyon, Volume 8, Issue 8, 2022, e10256, ISSN 2405-8440, <https://doi.org/10.1016/j.heliyon.2022.e10256>; (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2405844022015444>)

8. L. Bätägan Knowledge dynamics and economy growth. – Inf. Econ., 4 (48) (2008), pp. 27-30;

9. G. Bellinger Knowledge management—emerging perspectives. – Systems Thinking, 1–10 (2004) Retrieved from: <https://www.systems-thinking.org/kmgmt/kmgmt.htm>;

10. A.M.A. Abd Elkhalek. Impact of knowledge economy on participation of women in labor market. – International Journal of Business and Economic Development, 5 (2) (2017), pp. 15-24;

11. U.R. Efobi, B.V. Tanankem, S.A. Asongu Female economic participation with information and communication technology advancement: evidence from Sub-Saharan Africa. – S. Afr. J. Econ., 86 (2) (2018), pp. 231-246;

12. S.R. Nair The link between women entrepreneurship, innovation and stakeholder engagement: A review. -Journal of Business Research, 119 (2020), pp. 283-290, [10.1016/j.jbusres.2019.06.038](https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2019.06.038);

13. L.K. Gundry, J.R. Kickul, T. Iakovleva, A.L. Carsrud Women-owned family businesses in transitional economies: Key influences on firm innovativeness and sustainability. – Journal of Innovation and Entrepreneurship, 3 (2014), pp. 1-17, [10.1186/2192-5372-3-8/](https://doi.org/10.1186/2192-5372-3-8/)

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Хайитов Абдиманнон Бухарович –
ТДИУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тўхтаева Хуршида Фарходовна –
ТДИУ, ассистент

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли бандлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Муаллифлар бандликка кўмаклашишнинг асосий йўналишлари ва мамлакатда меҳнат бозорини изчил ривожлантириш бўйича таклифларни тақдим этадилар.

Таянч иборалар: аҳоли, янги иш ўринлари, бандлик, меҳнат, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик.

Аннотация: В данной статье были исследованы вопросы повышения занятости населения в условиях модернизации экономики страны. Авторами представлены основные направления содействия занятости и предложения по последовательному развитию рынка труда в стране.

Ключевые слова: население, новые рабочие места, занятость, труд, малый бизнес, частное предпринимательство.

Abstract: In this paper have been investigated issues of increasing population employment under conditions of modernization country economy. By authors presented the main directions of promoting employment and proposals for consistently developing the labor market in the country.

Key words: population, new jobs, employment, labour, small business, private entrepreneurship.

Кириш

Аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик – иккита қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи тушунча бўлиб, аҳолининг бандлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик шунча кам бўлади ва аксинча. Аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ишсизликнинг умуман мавжуд бўлмаслигини назарда тутмайди, чунки ишсизликка тўлиқ барҳам беришнинг деярли иложи йўқ. “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли илмий иш ва бир қатор бошқа ишланмалар муаллифи инглиз олими Ж.Кейнснинг (1946–1883 йй.) фикрига кўра, аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги тахминан 3 фоиз даражасидаги ишсизликни назар

да тутуди. Шундай ҳолатда ишсизлик иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва суръатларига салбий таъсир кўрсатмайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда бошқача қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча 6-5 фоиз даражасидаги ишсизлик иқтисодиётдаги оптимал бандликка мос келади, деб ҳисоблаймиз. Боз устига, жамиятда ишсизлик маълум “табiiй” даражасининг мавжудлиги нафақат нормал, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолат сифатида қабул қилинади.

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга олингандан бошлаб, ишсизликдаражасимаълумдаражадамунтазам